



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхураевна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Махкамов Қодиржон Одилжонович

*PhD, катта ўқитувчи
Наманган давлат университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич

*PhD, доцент
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Зухра Арипова МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	4
2. Шавкат Амонтурдиев МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙЙ ОМИЛЛАР.....	13
3. Махбуба Баратова КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ.....	20
4. Шухрат Бозоров АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ.....	29
5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ.....	35
6. Гулчехра Раҳимова ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	51
7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ.....	59
8. Шохжаҳон Рашидов АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	65
9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров ХІХ АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ.....	72
10. Равшан Сиддиқов ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР).....	78
11. Сарвар Қулдашев МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	91
12. Sadoqat Xo'ja yorova XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	98

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Зухра Арипова,
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
aripova.zuxra@mail.ru

МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ХОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

For citation: Zukhra Aripova, SPONSORSHIP OF ARCHITECTURE DURING THE MAMLUK PERIOD IN EGYPT (1250-1517). Look to the past. 2020, vol. 8, issue 3, pp.4-12

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Мисрда 1250-1517 йилларда ҳукмронлик қилган мамлук султонларининг меъморий иншоатларга қилган ҳомийликлари масаласининг тарихий томондан ёритган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар республика ва халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: масжид, мадраса, вақф, хонақоҳ, зовия, работ, Миср, архитектура, мамлук.

Зухра Арипова,

кандидат исторических наук, доцент
Международная исламская академия Узбекистана
aripova.zuxra@mail.ru

СПОНСОРСТВОАРХИТЕКТУРЫ В ПЕРИОД МАМЛЮКОВ В ЕГИПТЕ (1250-1517)

АННОТАЦИЯ

В статье автор исторически обсуждает вопрос о спонсорстве архитектурных сооружений мамлюкскими султанами, правившими в Египте в 1250-1517 годах. Данный подход к этому вопросу послужит дополнительным материалом к ранее опубликованным работам в республиканских и международных научных кругах.

Ключевые слова: мечеть, медресе, фонд вакфа, ханака, зовия, работ, Египет, архитектура, мамлюк.

Zukhra Aripova,
doctor of Philosophy (Phd), docent
International islamic academy of Uzbekistan
aripova.zuxra@mail.ru

SPONSORSHIP OF ARCHITECTURE DURING THE MAMLUK PERIOD IN EGYPT (1250-1517)

ABSTRACT

In the article, the author historically discusses the issue of sponsorship of architectural structures by the Mamluk sultans who ruled in Egypt in 1250-1517. This approach to this issue will serve as additional material to previously published works in international and republican scientific circles.

Index Terms: mosque, madrasah, waqf fund, khanaka, zoviya, works, Egypt, architecture, mamluk.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда мамлакатимиз маънавий-маърифий соҳада инновацион туб ўзгаришлар босқичидан ўтаётган бир даврларда ислом маърифати ва маданиятининг тикланиши, ислом артефактлари, хусусан тарихи, ёдгорликлари, илмий мероси кабиларни чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, диний-маърифий соҳани ривожлантириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуси билан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда Калом ва Ҳадис мактаблари, Бухоро Мир Араб мадрасасига олий таълим муассаси мақомини бериш, Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил қилиш кабилар мазкур туб ўзгаришларнинг ёрқин мисолидир. Президентимиз “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва аждодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” – деб, бежиз айтмаганлар. [1] Ўзбекистон ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узок бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Мамлуқлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Қоҳирада “Ҳадиқат ул-Узбакийя”, яъни “Ўзбеклар боғи” деб номланган илк боғ ташкил этилган бўлиб, йиллар ўтиши билан боғ ва унинг атрофидаги ҳудудлар бугунги кунда ҳам айнан мана шу ном билан машҳур. Мисрда 1250-1382 йилларда баҳрий мамлуқлар, 1382-1517 йилларда буржий (черкес) мамлуқлари ҳукмронлик қилганлар. Мутахассислар фикрича, XIII-XV асрларда Мисрда ҳукм сурган мамлуқлар султонлиги давлатида уни тили, тарихи, анъаналари, меъморчилик услублари, таълим тизими жиҳатидан Ўрта Осиё ва Мисрнинг зикр этилган асрлар тарихида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд. Мутахассислар фикрича, XIII-XV асрларда Мисрда ҳукм сурган мамлуқлар султонлиги давлатида уни тили, тарихи, анъаналари, меъморчилик услублари, таълим тизими жиҳатидан Ўрта Осиё ва Мисрнинг зикр этилган асрлар тарихида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд. Шу жиҳатидан ҳам бу давр тарихини қиёсий ўрганиб, таҳлил қилиш муҳим масалалардан саналади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Ўрта асрларда мамлуқ султонлари ҳукмронлиги даврида (1250-1517) Миср ва Сурияда ислом санъатининг гуллаб-яшнаши – меъморчиликни юксалиши даври бўлган. Уларнинг ғайрату шижоатлари туфайли мамлуқ султонлари саҳоватли меъморчилик ва санъат ҳомийларига айландилар. Мамлуқ бошқаруви остида савдо ва қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнади ва уларнинг пойтахти Қоҳира Яқин Шарқнинг энг бой шаҳарларидан бирига, илм фан, санъат ривожланган фаолият марказига айланди. Бу Қоҳирани, ўрта аср тарихчиси Ибн Халдуннинг сўзлари билан айтганда, “оламнинг маркази ва дунёнинг боғи” га айлантирган. Ушбу иншоатларни гумбазлари, ҳовли ва шаҳар бўйлаб тарқалиб кетган миноралари бор эди. Мамлуқлар даври ижтимоий-сиёсий, маданий, адабиётга оид кўплаб илмий мақолалар ёзилган, қисқа видео материаллари тайёрланган. Ўша даврга оид кўлёзма асл манбаларнинг ўрганилиши бу давр бўйича холисона баҳо бериш имкониятини юзага келтиради. Ўрта аср тарихчиси ал-

Мақризийнинг Мисрнинг қадимги ўрта асрлардаги ёдгорликлари ва шаҳарларини тасвирлашга бағишланган “Китоб ал-мавоиз ва-л-ийтибор би-зикр ал-хутат ва-л-осор” [2] “(Қохирани) маҳаллалари ва ёдгорликлари билан тавсиф этишда насихатомуз китоб”), Бадриддин ал-Айнӣ (762/1360) нинг “Ақд ал-Жамон фи тарих аҳл аз-замон” [3] (Замон одамлари тарихидан марваридлар шодаси), Абдурахмон ас-Саховий (831-900/1427-1497) нинг “Китоб ат-тибр ал-масбук фи зайл ас-сулук” [4] (Ас-Сулукни тўлдириш қуйма олтин руда китоби), Жалолиддин ас-Суютий (849-911/1445-1505) нинг “Китоб ҳусн ал-муҳодара би ахбор Миср ва-л-Қоҳира” [5] (Миср ва Қоҳира хабарлари хусусида гўзал маъруза), Шаҳобиддин ан-Нувайрий (677/1279-733/1333) нинг “Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб” [6] (Адаб илмларида мақсаднинг ниҳояси) каби асарларда кўрилатган мавзуга доир энг қимматли фикрлар келтирилган. Шунингдек, бу даврда қурилган обидалар бўйича ғарб олимларидан Леонор Фернандес, Дональд Уиткомб, Жан-Клод Гарсен, Ван Берчем, япон олими Муцуо Каватоко [7] шунингдек, араб олимларидан Ҳасан Абд ал-Ваҳҳоб, Суад Моҳир Муҳаммад, Аҳмад Халаф Ас-Сабъавийларни эътироф этиш мумкин [8].

Мисрда мамлуклар ҳукмронлиги (1250-1517) давридаги ижтимоий-маданий соҳалари, хусусан у билан боғлиқ сиёсий ҳодисалар, меъморчилиги, ҳарбий тизими, давлат тузуми, диний ҳолати ва тасаввуфга оид мавзулари ҳамиша тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши муҳим бўлган асосий мавзулардан бири бўлиб келган. Ўша даврда ислом динининг мавқеи, унинг муҳитида юзага келган тасаввуф, уларнинг тарихи, жамиятга кўрсатган таъсири, ижтимоий асослари, диний таълим берилувчи масканлари, таълим тизимининг Миср ҳаётида тутган ўрнига оид масалаларни тадқиқ этиш долзарб мавзулардан саналади. Ўрта аср тарихчиларининг бу борада яратган асарларини ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш бугунги кунда манбашунос ва исломшунослар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Собик иттифоқ даврида мустабид тузум манфаатларини кўзлаган ҳолда ислом дини, тарихи ва диний илмларни ўрганиш даҳрийлик сиёсати нуқтаи назаридан амалга оширилиб, асоссиз ҳолда қораланган, уларни халқимиз онгидан, хотирасидан ўчиришга уринишлар бўлган. Масалан, Миср тарихининг баҳрий мамлуклар даври, улар келиб чиқиши туркий бўлганлиги сабабли юртимизда деярли ўрганилмаган.

Мустақиллик туфайли, собик иттифоқ даврини танқидий баҳолаб, буюк маданият, ўтмишдаги бой анъаналар, ислом тарихини ҳеч қандай мафкуравий тазйиқларсиз ҳаққоний равишда ўрганиб, таҳлил қилиш имконига эга бўлинди.

Дин хусусан, ислом дини доимо Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам тарихий ва маданий тараққиётга кучли таъсир этиб келган социопсихологик омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, ушбу даврда Мисрда фаолият юритган мамлук султонларининг дастлабки баҳрий мамлуклар келиб чиқиши мовароуннаҳрлик бўлган. Улар Мисрни гуллаб-яшнаши учун вақф жамғармаси ва ўз ҳисобларидан қатор обидалар қургани ва ҳозирги кунда ҳам бу ёдгорликлар жаҳон аҳлини ҳайратга солаётгани боис, бу борада тадқиқотлар олиб бориб, халқимизни хабардор этиш бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири саналади.

3. Тадқиқот натижалари:

Мамлук султонлари жомеъ, масжид, мадраса билан бир қаторда работ, зовия, хонақоҳ, даргоҳ каби номлар билан аталган тариқат аъзолари фаолият кўрсатадиган масканлар ҳам барпо этганлар. Баъзан бу жойлар ўша тариқатнинг номи билан бирга тилга олинади: мавлавийхона, қаландархона ва ҳоказо. Бир тариқатнинг барча масканлари ўша тариқат шайхи жойлашган хонақоҳга қарашли бўлади. Бу жой “пир уйи” ҳам дейилади. Кичикроғи зовия деб аталган. Хонақоҳ ва зовиялар жамият орасида тез тарқалиб, нафақат тариқат аҳлига, балки оддий халққа ҳам таълим-тарбия, маданият ва иршод хизмати кўрсатадиган, ҳатто иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жамиятни бошқарадиган ҳар томонлама фаол бир муассасага айланди. Мадрасалар жамиятнинг олий мақом-ўзига тўқ тоифасига хитоб этса, хонақоҳлар кенг халқ оммасининг таълим-тарбия ва иршод ўчоғи сифатида фаолият олиб борган. [9].

Мамлук даври меъморчилиги кўпинча ўзига хос дизайни билан эмас, балки кўпроқ султон бошқаруви даври билан таснифланади. Қизиғи шундаки, мамлук султонлари ва

амирлари бинолар санъати ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишган. Мамлук султонлари бойлик ва кучга эга бўлганлиги сабабли, бир нечта бинолар лойиҳаларини ҳомийлик қилишга кодир эдилар. Мамлук султонларидан Зоҳир Бейбарс, ан-Носир Муҳаммад, Носир Фараж, ал-Муайяд, Барсбой, Қайтбай ва ал-Ашраф Гансуҳ ал-Гуврий ҳомийлар сифатида пойтахт Қоҳира шаҳрида битта улкан ёдгорликка қурдиришга эътибор беришдан кўра, кўп масжидлар қуришни афзал кўришди.

Мамлуқлар даври меъморчилиги Ислом меъморчилик тарихидаги кенг ўринга эга. Мамлуқлар ва ислом маданият ва ижтимоий тарихи нуқтаи назаридан рамзий ва ижтимоий-маданият атрибутлари бўйича, ўрта асрлардаги бошқа ислом меъморчилиги учун одатда етишмайдиган урф-одатлари, меъморий анъаналари мавжуд. Миср, Фаластин, Ливан ва Сурия шаҳарларида ҳозиргача бўлган жуда кўп турли хил мамлук даври тарихий ёдгорликлари, жами манбалардан ҳисобланиши мумкин бўлган ёдгорликларнинг бир қисми ҳисобланади. Икки юз олтмиш еттийдил мобайнида султонлар, амирлар ва маҳаллий аҳоли қишлоқлари ҳомийлик қилган Қоҳира, Дамашқ, Ҳалаб, Триполи ва Қуддусда, шунингдек, кичик шаҳар ва қишлоқларда кичик ва катта, хусусий ва оммавий, дабдабали ва пухта ўйланган, барча турдаги кўплаб лойиҳалар амалга оширилган.

Маълумки, хайрия ишлари - Исломнинг асосий устунларидан бири бўлганлиги сабабли, ушбу хайрия лойиҳалари султоннинг ҳукмрон дин пешволари, уламолар, шунингдек, аҳоли орасида обрў эътибори ошишига сабаб бўлган. Бу каби лойиҳалар том маънода мамлук султонларига фаолиятларини қонуний эканлигини таъминлашга ёрдам берди.

1250-1517 йиллар давомида қурилган баъзи бинолар бизгача етиб келмаган, аммо адабий манбаларда улар ҳақида маълумотлар ёзилган. Диний ёки дунёвий хусусиятга эга бўлган иншоатларни кенг турдагилари сақланиб қолган. Ёзувлари, адабий манбалари ёки вақф ҳужжатлари асосида ушбу тоифадаги биноларни қуйидаги тўрт тоифага гуруҳлаб, таснифлаш мумкин: 1) диний – жомеъ (жомеъ масжидлари), масжид, мадраса, хонақоҳ, 2) ижтимоий-социал – зовия, рибот (мискинлар уйи, ғарибхона, карвонсарой), бемористон (касалхона), сабил (йўловчилар учун кўнолға), сабил-куттаб (илм изловчилар учун кўнолға), ҳаммом; 3) қаср ёки уйлар – дор – уйлар (қа'ах, ривок, табақах, раб'); 4) тижорат-саноат – қайсарийа (усти ёпиқ бозор, раста), вакала (карвонсарой, арзон меҳмонхона), хон (пешхон), фундуқ (меҳмонхона), сувқ (бозор), ми'сара (мойжувозхона), тахун (тегирмон), фурн (ўтхона), мактаба (кутубхона), сиржа (чироқ, лампа сотиладиган жой) каби иншоатларини ўз ичига олади. Муайян вақтда қурилган диний ва дунёвий биноларнинг баҳолаш нисбатан қийин. Бизнинг ҳозирги тушунча ҳомийлар томонидан қурилган биноларни қуриш учун танлов қандай амалга оширилганлиги, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омиллар ҳақида умумий хулосалар беришимизга ёрдам беради.

Султон Бейбарс ал-Бундуқдорий 665-67 / 1266-69 йилларда Қоҳирадан ташқаридан жой танлаб, жуда катта масжидни қурдирди. У бундан бир неча йил олдин мадраса қурган ва унга ҳеч қандай ўзгартириш киритмасликни талаб қилган эди. Ал-Мақризийнинг сўзларига қараганда, Зоҳир Бейбарс Қоҳира шаҳридаги ўзи қурдирган мадрасасига борган ва унга фақиҳ, мискин шахс сингари кириб, “бу менинг Оллоҳга бағишлаган жойим” – деб, айтган [10]. Ўлганимда кейин мени бу ерга кўмманг ва бу ердаги ҳеч нарсани ўзгартирманг, деган [11].

Султон Зоҳир Бейбарс ҳар доим қабристонларни шаҳар марказларидан узоқроқ тутишга ҳаракат қилган. У дафн қилиш онлари шаҳар атрофида бўлиши, одамлар руҳиятига ва шаҳарларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаган [12]. Қизиғи шундаки, кубба (гумбаз, кубба, равок)ни диний жамғармаларга қўшиш одати баҳрий мамлук султонлари томонидан қабул қилинган, уларнинг ҳуқуқий фаолиятимасжид ёки ўқиш жойи жойлашган макон сифатида Вақф ҳужжатларида кўрсатилган [13].

Ўрта аср тарихчиси ал-Мақризий мамлуқлар давридаги бемористон (касалхона) лардаги ҳолатга баъзи хизматларни қисқача таърифини берган. Ушбу шифохона томонидан тақдим этиладиган хизматлар ҳақида батафсил маълумотлар ҳозирги кунгача

кутубхоналарда сақланиб келинмоқда[14].Султон Қалавун номига ра'ис аль-атибба(бош шифокор) номидан чиқарилган 684/1285 йил билан расмийлаштирилган, иккала хазина ҳужжатлари матнларини ўқиш ҳам қизиқ. Биринчи мактубда ““Илм (илм), бизга айтилганидек, икки турдан иборат: ‘Илм ал-Адйан(диний фанлар) ва илм-ал-абдан (тана фанлари, анатомия), буларБиз иккаласига эътибор қаратишимиз ва улар учун абадий ҳаётни таъминлайдиган кунларни яратишимиз керак деганидир. Шундай қилиб, бизда тақводорликка асосланган, яъни бири диний, иккинчиси тана соғлиғи учун иккита биздан кейин ҳам фаолият юритадиган ёдгорликлар бор”– деб, ёзилган[15].

Бемористон (касалхона)га ўқитувчи лавозимига Қози Муҳаддабид-динни тайинлаш бўйича шу ҳукмдор томонидан бошқа ҳужжатда шундай дейилади:Биз ўтган ҳукмдорлар ўз фуқароларига нисбатан оқилона сиёсат олиб бормаганларини кўрдик.Улар ислом илмларига катта қизиқиш кўрсатдилар, аммо тана фанлари (тиббиёт, анатомия)ни менсимадилар. Улар мадрасалар қурдилар, лекин шифохоналар қуришга эътиборсиз бўлдилар. Биз инсон саломатлиги ва фаровонлиги устун кўриладиган, кўзни камаштирувчи бемористон (касалхона)ларни қурдик[16].

Жомеъ масжидлари, иншоатларда баъзи топилган ёзувлар вабаъзи ёдгорликлар ёзувларида мавжуд “мин маалиҳи ал-хосс” (унинг шахсий маблағлари) ёки “инша’а ли (бу... (исм) томонидан қурилган) каби иборалар ва ўрта аср манбалари ҳисоботлари, вақф ҳужжатлари ўртасидаги тафовутлар ҳомийлик масаласини ҳал қилишдажуда эҳтиёткорликни талаб қилади. Масалан, Хованд Барака мадраса масаласида (Умм ас-Султон-Ша’бон), 770 / 1368-69 йилларда қурилган – ёзувлар Шаъбон Султон ушбу муборак мадрасани онаси учун қуришни буюрганлигини аниқ кўрсатиб турибди. (Амара би-инша’ ҳазиҳи ал-мадраса ал-муборака ли-валидатихи Мавлаана Ас-Султон Малик ал-Ашраф Ша’бон)[17]. Аммо вақф ва манбаларда унинг онаси (инша’ат, банат) унинг қурилиши учун пул тўлагани ҳақида аниқ айтилган[18].

Ўрта аср тарихчиси Ибн Ийёс 859/1455 йилда “ан-Нозир ал-хосс” ал-Жамол Юсуф томонидан қурилган бир мадрасани эслайди. Унинг ёзишича, ал-Жамол Юсуф султон номидан мадраса қурдиришни бошлаган. Аммо харажатларни Султон пулидан эмас, балки ўз маблағидан тўлаган. Бу мадрасани рўппарасида султон оиласининг дафн маросимлари учун зовия қурдирган[19]. Бошқа жойда Амир Жаддада Фахриё мадрасасини қуриб, унга Султон номини ёздиган[20]. Баъзида амирлар томонидан қурилган бинолар ёзувларида султонлар исмларига иқтибос келтириш ҳолатлари мавжуд. АмирЎзбак Ал-Юсуф масжидида (900 / 1494-95) ёғоч эшикка Султон ал-Малик ал-Ашраф Абу ан-Носир Қайтбой исмини тилга олиб, унга ҳамдлар айтилган ёзув бор[21]. Бу билан у султонга эҳтиром кўрсатганидан далолат беради.

Мамлук султонлари оилаларидан баъзи аёллар диний бино иншоатларни қуришди, айниқса Султон ан-Носир Муҳаммад ҳукмронлиги давридан бундай ҳолат сезиларли равишда ошган.Малика Ситт Хадақ (740 / 1339-40) масжид, Умм ас-Султон Ша’бон эса ўз мадрасасини (770 / 1368-69) қурди. Умм Ануук 749/1348 йилда Тўғойноми билан машхур бўлган хонақоҳини, Бейбарс Жашангининг кизи 684 / 1285-86 йилда Рибот ал-Бағдодияни қурган. Уларни қурилишига сўфий жамғармалари ёки бошқа хайрия ташкилотлари ҳомийлик қилган[22].

Бир қатор муҳим жомеълар, масжидлар оддий аҳоли орасидан чиққан маблағи бор фуқаролар томонидан ҳам қурилган. 672/1273 йилда Дайр ат-Тийн жомеъсини вазир Тож ад-Дин Ибн Ҳанна қурган.Ибн Ҳанна эски жомеъ масжиди Жума намози вақтида шу мавзе аҳолисига торлик қилишини инobatга олиб, 672/1273 йилда масжидни бузишва қайта қуришга қарор қилди[23].Худди шунингдек, вазир Са’д ал-Иброҳим ал-Баширий янги уйга кўчгач, уни ёнидаги Биркат ар-Ратлий жомеъ масжидини қайта тиклаб, янгилашга қарор қилганди[24].

Зоҳир Бейбарс келиб чиқишидан қатъий назар ажам ва араб ёш, ўрта ёш ва қариялардан иборат 400 та суфийни йиғган[25]. Роботда бошпанасиз 100 та фақир, шайх, имом, муаззин, ходим ва эшикбон бўлган. Шунингдек, хонақоҳда китоблар хазиначиси ёки

бошқача қилиб айтганда, кутубхона қўриқчиси бор эди. Мамлуклар даврида худди хозиргидагидек китобларни сақлаб, бир ёки бир неча ойда китобларни қайтариб берадиган ва уларни ўз вақтида берилиши ва йўқолмаслигига масъул шахс бўлган[26]. Кутубхонада китоблар тартиби, жилдланиши тизимли тарзда эди[27].

Хонақоҳларда шакар, шарбат, дори-дармон, шунингдек суфийларни даволаш учун қахқол (қўз табиби), бошқа вазифаларда қандил ва чироқларни таъмирловчи, сувларни алмаштириб турувчи ваққод ва ҳайдовчи, фаррош, йиғиб терувчи, соқий бор эди. Хонақоҳдаги бу каби вазифалар билан оддий халқ табақасидаги ёшлар машғул бўлардиларки, бунинг асосий сабаби яшаш учун бошпана берилгани, иқтисодий зарурий ҳожатларига қаратилганида эди.

Хонақоҳда ошхона бўлиб, ошпаз суфийлар учун овқат пиширган, меъёр бўйича таом ва унга нон қўшиб берилган. Шунингдек, рамазон ойида, қурбон ҳайити ва ашуру кунларида ҳар йили агар хонақоҳ шайхи лозим деб топса, ширинликлар тарқатилган. Бу хонақоҳда бўйдоқлар учун кунига 2 маҳал овқат, қиш ва ёз фаслларида кисва, ойига ҳар бир суфий учун 20-30 дирхам, ҳар жума куни кийимларини ювиш учун совун ва қувват бўлиши учун шакар берилган[28].

Гарчи ер хайр-эҳсоннинг муҳим қисми бўлса ҳам, вақала (қарвонсарой, арзон меҳмонхона), қайсарийа (усти ёпик бозор, раста), фундук (меҳмонхона), матбах (ошхона), матбах суккар (ширинликлар дўкони), ми'сара (мойжувозхона), раб', қа'ах, ривок, табақах (уйлар) каби тижорат кўчмас мулк сармояларини қуриш ва ижарага беришга кўпроқ эътибор берилган[29]. Ушбу маблағлар мамлуклар ҳукмронлиги даврида шаҳарни ўзгартириб, гўзал бўлишини таъминлаган. Шаҳар марказларида ўз манфаатларига мос равишда қайта қуриш учун катта ер майдонларини сотиб олишга руҳсат берилди. Вақф маблағлари ҳақидаги маълумотлар, ўша вақтдаги маълум бир мавзедаги сотиб олинган ерлар қандай мақсадларга йўналтирилгани бўйича хулосалар қилишга ёрдам беради.

Мамлук султонларининг хайрия тузилмалари сунний мазҳаб ҳимоячилари ва тасаввуф аҳли, маҳаллий муқаддас жойларнинг ҳомийлари сифатида рамзий родини кучайтирди. Бундан ташқари, тақводорларнинг хайр-эҳсонлари Султоннинг вафотидан кейин унинг оиласининг молиявий келажагини таъминлашда муҳим рол ўйнади, Мамлук султонлиги тахт отадан ўғилга ўтадиган, меросхўр шаклида эмасди. Султоннинг ўғиллари ўлимидан кейин камдан-кам ҳолатларда тахтга ўтирдилар, тахтга ўтирган бўлса ҳам, қўп вақт ҳукмронлик қилишига уларнинг вассаллари йўл қўймаган. Султоннинг оиласи ва авлодлари у барпо этган турли вақф муассасаларини назорат қилиб, ушбу муассасалардан тушган маблағнинг бир қисмини солиқсиз даромад сифатида сақлаб қолиш орқали ўзларини эҳтиёжларини таъминлашлари мумкин бўлган, уларнинг бу маблағлари кейинги султонлар томонидан бекор қилинмаган. Шундай қилиб мамлук султонлари нафақат ўзлари, балки келажак авлодларини ҳам турмуш тарзини таъминлай олишган. Мамлук ҳукмдорлари иншоатларни барпо этилиши жуда реал прагматик имтиёзларга асосланган.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Мамлук султонларининг хайрия тузилмалари сунний мазҳаб ҳимоячилари ва тасаввуф аҳли, маҳаллий муқаддас жойларнинг ҳомийлари сифатида рамзий родини кучайтирди. Бундан ташқари, тақводорларнинг хайр-эҳсонлари Султоннинг вафотидан кейин унинг оиласининг молиявий келажагини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Бу муассасалар кейинчалик султон оила аъзолари турмуш тарзини яхшиланишига, уларни келажаклари яхшиланишига хизмат қилган;

- баъзи манбалар ва вақф ҳужжатлари орасидаги тафовутлар ва биноларнинг ёзувлари шуни кўрсатадики, бинонинг ҳақиқий ҳомийси кимлигини билиш қийин масала ҳисобланади. Қандай иншоат қурилиши ва жойлашуви масаласи, ёдгорликларни танлашда қандай омиллар таъсир қилганлигини аниқлаш вазифалари тадқиқ қилиниши муҳимдир;

- иншоатларни куришда Мамлук султонлари вақф маблағлари ва ўзларининг шахсий маблағларидан ҳам фойдаланишган. Шунингдек, нафақат султонлар балки бадавлат кишилар ҳам бундай биноларни куришган;

- 1250-1517 йилларда Мисрда хукмронлик қилган мамлуклар фақатгина диний муассасалар эмас, балки саноат, тижоратни ривожлантиришга қаратилган вакала (карвонсарой, арзон меҳмонхона), қайсарийа (усти ёпиқ бозор, раста), фундуқ (меҳмонхона), матбах (ошхона), матбах суккар (ширинликлар дўкони), ми'сара (мойжувозхона), раб', қа'ах, ривок, табақах (уйлар) каби кўчмас мулк иншоатларини куришга ҳам эътибор қаратишган. Бу эса, ўз навбатида иқтисодий омилларни ривожланишига таъсир ўтказган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

-
- [1] Speech by the President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev at the opening ceremony of the 43rd meeting of the Council of Foreign Ministers of the Organization of Islamic Cooperation //Xalqso'zi, October 19, 2016.
- [2] Taqi al-Din Abu al-Abbas Ahmad bin Ali bin Abd al-Qadir al-Ubaydi al-Maqrizi."Kitob al-mavoizwa-l-i'tibor bi-zikr al-hutatwa-l-osor" (Sermons and consideration by mentioning plans and implications).Boulaq: Ost. 2002;
- [3] Badr Al-Din Mahmoud Al-Aini."Aqd al-Jamon fi tarikhahlaz-zamon"(Juman contract in the history of the people of time). Investigator Mahmoud Rizk Mahmoud, Cairo: The National Library and Documentation House. 4 volumes. 2010;
- [4] Muhammad ibnAbd al-Rahman al-Sakhawi."Kitob at-tibr al-masbuk fi zayl as-suluk" (The Book of Al-Dabr Al-Mossuoot at the Tail of the Behavior). Detective NajwaMostafaKamel. Cairo: National Library and Archives. 2002;
- [5] Jalaluddin Abdul RahmanbinAbiBakr Al Suyuti."KitobHusn-al-muhodara bi akhborMisrva-l-Qouhira" (Hassan's book The Lecture on News of Egypt and Cairo). Detective Muhammad Abu al-Fadl Ibrahim. Cairo: House of Revival of Arab Books. 1967;
- [6] Ahmed bin Abdul Wahhab Shihabuddin Al-Nuwairi."Nihoyat al-arab fi funun al-adab"(The End of Arb in the Arts of Literature) 31volumes. Detective Ibrahim Shams al-Din. Beirut - Lebanon: Dar Al-Kutub Al-Ilmiyya, 2004.v.1,3-4.;
- [7] Leonor Fernandes.Mamluk Architecture and the Question of Patronage//Mamluk studies review.Chicago: Middle east documentation center (Medoc) the university of Chicago, 1997.,Donald Whitcomb. Mamluk Archaeological Studies: A Review//Mamluk studies review.Chicago: Middle east documentation center (Medoc) the university of Chicago, 1997; Donald WhitcombWhitcomb, "Quseir al-Qadim: Text and Context in the Indian Ocean Spice Trade," al-'Usur al-Wusta 7 (1995): 25-27., Жан-Клод Гарсен Jean-Claude Garcin, Un centre musulman de la haute-Égypte médiévale: Qus" (Cairo: Institut français d'archéologie orientale, 1976;Max van Berchem, Matériaux pour un Corpus Inscriptionum Arabicarum: Égypte (Cairo: Institut français d'archéologie orientale, 1894-1903), 3:344.Муцуо КаватокoMutsuoKawatoko.A Port City Site on the Sinai Peninsula, al-Tur. Tokyo: The Middle EasternCulture Center in Japan, 1995.;
- [8] Hassan Abdel Wahab. "Ta'rix al-masojid al-asriya" (History of the ancient mosques). Cairo: The Egyptian Library, 1994., 444p.;Suad Maher Muhammad. "MasojidMisrvaavliyayha as-salihuun" (Mosques of Egypt and their Righteous Saints)., 5 volumes, The Supreme Council for Islamic Affairs, 1982. 2325p.;Suad Maher Muhammad. "al-Qohira al-qadimavaahyauha" (Old Cairo and its neighborhoods). Cairo: Egyptian General Organization for Authorship, Translation, Printing and Publishing Edition, 1962. 136p.; Ahmed Khalaf Al-Sebawi. "Dirasatarixiyya" (Historical study) / Waqf services through the book of plans for Al-Maqrizi. House Al-Kitab Al-Thaqafi, 2013;
- [9] UsmonTurar. History of Sufism. – Tashkent: Istiqlol, 1999. – P.98-99.;

- [10] Taqi al-Din Abu al-Abbas Ahmad bin Ali bin Abd al-Qadir al-Ubaydi al-Maqrizi. "Kitob al-mavoizwa-l-i'tibor bi-zikr al-hutatwa-l-osor" (Sermons and consideration by mentioning plans and implications). V.2. Boulaq: Ost. 2002 - P.300.
- [11] Jalaluddin Abdul Rahman bin AbiBakr Al Suyuti. "KitobHusn-al-muhodara bi akhborMisrva-l-Qouhira" (Hassan's book The Lecture on News of Egypt and Cairo). Detective Muhammad Abu al-Fadl Ibrahim. Cairo: House of Revival of Arab Books. 1967- P.139-141.;
- [12] Jalaluddin Abdul RahmanbinAbiBakr Al Suyuti. "KitobHusn-al-muhodara bi akhborMisrva-l-Qouhira" (Hassan's book The Lecture on News of Egypt and Cairo). Detective Muhammad Abu al-Fadl Ibrahim. Cairo: House of Revival of Arab Books. 1967- P.139-141.;
- [13] Leonor Fernandes. Mamluk Architecture and the Question of Patronage//Mamluk studies review. Chicago: Middle east documentation center (Medoc) the university of Chicago, 1997. - P.111.;
- [14] Leonor Fernandes. Mamluk Architecture and the Question of Patronage//Mamluk studies review. Chicago: Middle east documentation center (Medoc) the university of Chicago, 1997. - P.112.;
- [15] Ibn al-FuratNasir al-Din. "Tarixibn al-Furot" (Book of the History of Ibn Al-Furat). Detective Hassan Muhammad Al-Shamaa. V.8. Basra: Haddad Press, 1970.- pp. 22-25.;
- [16] Shehab Al-Din Al-Qalqshandi. "Subh al-asha fi sinaot al-insho" (Sobh Al-Asha in the Construction Industry)V. 11. Cairo: Dar Al-Kutub, 1914-1919 - pp. 253-256.;
- [17] Max van Berchem. Matériaux pour un Corpus InscriptionumArabicarum: Égypte (Cairo: Institutfrançais d'archéologieorientale, 1894-1903), V.1. - P.279.;
- [18] Taqi al-Din Abu al-Abbas Ahmad bin Ali bin Abd al-Qadir al-Ubaydi al-Maqrizi. "Kitob al-mavoizwa-l-i'tibor bi-zikr al-hutatwa-l-osor" (Sermons and consideration by mentioning plans and implications). V.2. Boulaq: Ost. 2002 - P.399.;
- [19] Mohammed bin Ahmed bin Iyas Al Hanafi. "KitobtarikhMisr al-mashur bi badoyiaz-zuhur fi viqoyi ad-duxur" (Flower deposits in the chronicle of eons)V.2. Cairo: Egyptian Authority Books, 1982. - pp. 330-331, 367.;
- [20] Muhammad ibnAbd al-Rahman al-Sakhawi. "Kitob at-tibr al-masbuk fi zayl as-suluk" (The Book of Al-Dabr Al-Mossuoot at the Tail of the Behavior). Detective NajwaMostafaKamel. Cairo: National Library and Archives. 2002- P.346.;
- [21] Max van Berchem. Matériaux pour un Corpus InscriptionumArabicarum: Égypte (Cairo: Institutfrançais d'archéologieorientale, 1894-1903), V.3. - P.531.;
- [22] Taqi al-Din Abu al-Abbas Ahmad bin Ali bin Abd al-Qadir al-Ubaydi al-Maqrizi. "Kitob al-mavoizwa-l-i'tibor bi-zikr al-hutatwa-l-osor" (Sermons and consideration by mentioning plans and implications). V.2. Boulaq: Ost. 2002 - pp.425-426.;
- [23] Taqi al-Din Abu al-Abbas Ahmad bin Ali bin Abd al-Qadir al-Ubaydi al-Maqrizi. "Kitob al-mavoizwa-l-i'tibor bi-zikr al-hutatwa-l-osor" (Sermons and consideration by mentioning plans and implications). V.2. Boulaq: Ost. 2002 - pp.298-299.;
- [24] Ibrahim bin Mohammed bin Duqmaq. "Al-Javxar as-samyin fi siyar al-muluk vas-salotiin" (The Book of Victory for the Wastat al-Aqd al-Amsar, in the history and geography of Egypt). Achieving Muhammad Kamal al-Din. Beirut Commercial Office for Printing, Distribution and Publishing, 2017 - P. 78
- [24] Taqi al-Din Abu al-Abbas Ahmad bin Ali bin Abd al-Qadir al-Ubaydi al-Maqrizi. "Kitob al-mavoizwa-l-i'tibor bi-zikr al-hutatwa-l-osor" (Sermons and consideration by mentioning plans and implications). V.2. Boulaq: Ost. 2002 - pp.326-327.;
- [25] Muhammad ibnAbd al-Rahman al-Sakhawi. "Kitob at-tibr al-masbuk fi zayl as-suluk" (The Book of Al-Dabr Al-Mossuoot at the Tail of the Behavior). Detective NajwaMostafaKamel. Cairo: National Library and Archives. 2002- P.162.;
- [26] Muhammad Muhammad Amin. "Al-avqof va-l-hayot al-ijtimoiyya fiy Misr." Endowments and social life in Egypt. Cairo: The Egyptian Authority, 1980 - pp. 255-257
- [27] Sobky Tajuddin. "Mu'yd an-ni'amvamubiyd an-niqam". (Blessing Repeller and Repeller). London, 1908 - p. 111

- [28] Aripova Miss, Z. (2020). Structure formation Mamluk saltanate in Egypt. *TheLightofIslam*, 2020(1), 82-88.
- [29] Aripova, Z. (2020). Sufi Motives in the Literature of the Egyptian Period. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24 (2).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000